

## ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ МАЛИК НАБИЕВ АСАРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Таджибаев С.С.

АДУ Мактабгача таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6628753>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшларни санъат билан шуғулланишларига қаратилган эътибор, хусусан, Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг ижодий фаолиятини мактабгача таълим тизимида ўрганиш бўйича фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ташаббус, ижод, поэзия, интеллект, миллийлик, картина.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАРОДНОГО ХУДОЖНИКА УЗБЕКИСТАНА МАЛИКА НАБИЕВА В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В данной статье уделяется внимание вовлечению молодежи в искусство в Узбекистане, в частности, отражены мысли и комментарии народного художника Узбекистана Малика Набиева по изучению творческой деятельности в системе дошкольного образования.

**Ключевые слова:** инициатива, творчество, поэзия, интеллект, национальность, картина.

## USE OF WORKS BY PEOPLE'S ARTIST OF UZBEKISTAN MALIK NABIEV IN FINANCIAL ACTIVITIES

**Abstract.** In this article, the attention is paid to young people engaged in art in Uzbekistan, in particular, views and comments on the study of the creative activity of the people's artist of Uzbekistan Malik Nabiev in the system of preschool education.

**Keywords:** initiative, creativity, poetry, intellect, nationality, kartina.

**Болалар гўзаллик, нафосат, расм, ижод ва хаёлот оламида яшашмоқлари шарт!**

**В.Сухомлинский**

### КИРИШ

Ҳақиқатан ҳам агар биз буюк педагог В.Сухомлинскийнинг юқоридаги фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг замирида беғубор болалик, Ватан келажаги ва равнақи кўз олдимизда намоён бўлади.

Мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил 19 мартда илгари сурилган “Ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш тўғрисида”ги 5 та муҳим ташаббуснинг биринчи банди айнан биз, тасвирий санъат фани мутахассислари олдида масъулиятли вазифаларни қўяди.

Бу жараёнда таълим тизимининг бош бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг ҳам ўз ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шу қарор билан тасдиқланган “Мактабгача таълим тизимини янада

такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур”нинг асосий мақсади, вазифалари ва йўналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш белгиланган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мактабгача таълимнинг вазифаси болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлашдан иборат.

Мактабгача таълим муассасаларининг бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадиий адабиёт, расм чизиш, аппликация) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ бўлади. Мактабгача таълим ташкилотларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган бадиий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам умумий эстетик таъсирдан ташқари ўзининг махсус таъсир кучига эга.

Ушбу масалаларни ечиш учун бўлғуси мактабгача таълим ташкилотчилари етарли даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари зарур.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мактабгача таълим йўналишида фаолият юритаётган тарбиячилар ўқув режасида “Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий санъат асарлари билан таништириш” номли мавзу мавжуд бўлиб, бунда асосан тасвирий санъат назарияси ҳақида маълумотлар берилди.

Ушбу мавзунини ўтиш жараёнида Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев асарларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, болаларни тасвирий санъат орқали ватанпарварлик, аждодлардан фахрланиш ва улардан ўрнак олиш ҳиссиётлари ривожлантирилади. Чунки Малик Набиевнинг ҳар бир асарида юқоридаги фикрлар ўзгача руҳ, таъсирчан ва миллий колоритни ўзида мужассам этган.

Уйғониш дарининг буюк рассоми Леонардо да Винчи таъбири билан айтилган: *“Тасвирий санъат кўз билан кўриладиган поэзиядир. Поэзия эса ўқиб эшиттириладиган тасвирий санъатдир!”* жумласи айнан Малик Набиевнинг “Бобур портрети”да ўз аксини топган. (1-шлова).

“Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?...

Ушбу портретни ишлаш жараёнида рассом нафақат тарих, балки Бобурнинг адабий фаолиятини ҳам тулиқ ўрганиб чиққанлиги портретнинг муваффақиятли чиққанлигининг асосидир.

Ушбу асар орқали томошабин Бобурнинг шох бўлсада, яшаган машаққатли ва зиддиятли ҳаёти, ундаги Ватан соғинчини ҳис қилади.

Малик Набиев ижодида тарихий жанр ва тарихий шахсларнинг портретлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Шу ўринда “Спитамен қўзғолони”, “Беруний портрети”, “Амир Темур” портретларини рассом ижодининг энг сара картиналари десак муболаға бўлмайди.

Буюк соҳибқирон Амир темурни эслаганда кўз олдимизга қуйидаги картина намоён бўлади: (2-илова). Аслида рассом ижодида Амир Темур портрети битта эмас, икки хил услубда ишланганидан кўпчилик хабардор эмас.

1990-95 йилларда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ)да ўқиб юрган даврларимизда устоз Малик Набиев билан учрашув ўтказилганда, айнан Амир Темур сиймоларини яратилиш жараёнлари ҳақида шахсан ўзи сўзлаб берган эди.

Биз 2-иловада кўришимиз мумкин бўлган соҳибқирон сиймоси иккинчи вариант ҳисобланиб, рассомнинг эллик йилдан ортиқ илмий изланишларининг самараси дейишимиз мумкин.

Рассом бу давр ичида турли давлатлардаги архив ва кутубхоналардаги илмий ва тарихий маълумотларни ўрганди. Амир Темур сиймоларини таҳлил қилди ва ўзининг дастлабки картинасини ўша вақтдаги “Гулистон” журналида намоёиш қилди. (3-илова).



Рассомнинг таъкидлашича, ушбу портрет бўйича турли қараш ва фикрларга асосланиб, орадан бир йил ўтгач иккинчи иловада кўрсатилган “Амир Темур” портретини кенг оммага намоёиш қилади ва бу асар барчага маъқул келади.

Кейинчалик ушбу асарга асосланган ҳолда соҳибқироннинг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан монументал ҳайкаллар барпо этилди.

### МУҲОКАМА

Шахсий тажрибадан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, айрим мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячиларда “Болаларни тасвирий санъат асарлари билан таништириш” мавзуси бўйича назарий ва амалий билимлар доирасидаги компетентлик етарли даражада эмас. Бундай шароитда тарбиячи ўз устида мустақил ишлаб, Ўзбекистон халқ рассомлари ҳаёти ва фаолиятларини



ўрганиб боришлари, бу борада айниқса Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ижодидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **ХУЛОСА**

Юқорида баён этилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ижодий фаолияти, унинг яратган асарлари бўйича кўплаб ижобий фикр ва мулоҳазалар айтиш мумкин.

Энг асосийси эса ўзбек миллий тасвирий санъатига устоз қолдириб кетган асарларнинг мазмун-моҳиятини юртимиз келажаги бўлган ёш авлодга тўла-тўқис етказиш биз педагогларни олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги N ПҚ-2707 қарори 29.12.2016 й.
2. С.Таджибаев. Тасвирий фаолиятга ўргатиш фани бўйича маъруза матнлари. Андижон-2020
3. arboblar.uz сайти
4. natlib.uz сайти